



**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲУДУДИДАГИ ИЛК СИЁСИЙ ПАРТИЯ -
ТУРКИСТОН «ЭРК» СОЦИАЛИСТЛАР ФИРҚАСИ ҲАҚИДА**

Бурхонов Равшан Бурхонович

*Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар
университети 2-босқич магистранти.*

Электрон почта: prince.turan1@gmail.com

Телефон рақами: +998 (90) 125-07-09

Аннотация: *Жадидчилик ҳаракати ўзининг нафақат маърифатпарварлик, балки сиёсий-ижтимоий фаолияти билан ҳам алоҳида таҳсинга сазовор ҳисобланади. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасида сиёсий-ижтимоий вазиятлар бирмунча мураккаб бўлган. Шунга қарамай, туркистонликлар ўз озодликлари учун ҳам ҳарбий, ҳам сиёсий, ҳам маърифий жабҳаларда кураш олиб борганлар. Қуйидаги мақола Туркистон ўлкасида ташкил топган илк сиёсий партия ҳақида муаллифлар фикрини баён этади.*

Калит сўзлар: *«Эрк» сиёсий фирқаси, Туркистон, жадидлар, сиёсий партия, Аҳмад Заки Валидий.*

Туркистонда «Эрк» сиёсий фирқасини ташкил этиш ҳаракатлари 1918-1919 йилларда пайдо бўлди. Тошкент жадидлари ва Бошқирдистон социалистлари биридан айро ҳолда III коммунистик интернационал таркибига қирадиган миллий социалистик партия тузиш керак деган фикрга келишган. Бошқирдистонлик таниқли шахс Аҳмад Закий Валидий эса генерал Колчак билан орқа бўлиб қолгандан кейин большевиклар билан иттифокчи бўлишга мажбур бўлади. Коммунистлар билан келажакни боғлаш шу типдаги кучли мусулмонлар партиясини тузиш ҳақида Валидий шундан кейин бош қотира бошлаган.

Туркистон социалистик партияси «Эрк». Партия 1919 йилнинг баҳорида ташкил этилган. Уни яратишда Қозоқ Жанузаков, Бошқирдлар Валидов, Ўзбек Арипов ташаббускори бўлган. Партиянинг якуний дизайни ва шаклланиши 1926 йилгача давом этди. Ушбу партиянинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг дастури битта эмас, балки бир неча халқлар ва миллатлар муаммоларини кўтаради. Яъни, унинг етакчилари тор миллий манфаатлар доирасидан чиқиб, халқаро, миллий манфаатларни кўтаришга, етказишга ва мувофиқлаштиришга муваффақ бўлишди. [1]

Подшо Россиясининг инқилоблар туфайли ағдарилиши ортидан, бироз вақт ўтгач ҳокимият тепасига келган большевиклар халқаро майдонда ўз кучлари ва обрўларини қайтариб олишга ҳаракат қилаётганликлари учун ҳам ўзларига тобе бўлган ҳудудларда турли коммунистик партиялар тузилишига аввалбошда қарши бўлишмаган. 1919 йил Москвада тўпланган Туркистон, Бошқирдистон, Бухоро ва





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Қозоғистон вакиллари социалистик фирқа (партия) тузишга келишиб олишади. Шу ернинг ўзида Валидий бошчилигида фирқанинг 12 бандлик дастури ҳам тузилади.

Аммо ҳокимиятда муқим ўрнашиб олиш жараёнида 1920 йилнинг баҳорига келиб Россия Компартиясининг Марказий қўмитаси социалистик фирқаларга ошқора фаолият юритишни тақиқлаш ҳақидаги қарорини эълон қилди. 1920 йил июль ойида фирқа ташкилотчилари Интернационалдан ҳоли социалистик фирқа тузишга қарор қилишади. 1920 йилнинг сентябрида Боқу шахрида Шарқ Халқлари Қурултойи бўлиб ўтди. Ушбу қурултой давомида Аҳмад Закий Валидий Большевик ҳукумати томонидан қидириляётган ва душман деб эълон қилинган бўлса-да Боқуга борган ва фирқанинг ташкилотчилари Мунаввар қори, Т.Рисқулов ва бошқалар билан эски

12 бандлик дастур асосида 27 бандлик фирқа дастур лойиҳасини ишлаб чиқадилар ва Туркистонга бориб қандай ҳаракат олиб бориш кераклигини келишиб оладилар.

Айнан 1920 йилларда большевизмни қабул қилиб бўлмаслигини англаб етган бир қатор Туркистон, Бошқирдистон, Қозоқ зиёлилари миллий озодлик ҳаракатларини тўғри йўналтириб туриш учун ҳам сиёсий ташкилот тузиш қарорига келишганди. Тараққийпарвар жади́длар гуруҳи ва социалистлар тўдаси айнан шундай ташкилотларнинг илк кўриниши бўлган. «Социалистлар гуруҳининг дастурида қишлоқ аҳли пролетар дея қабул қилинган ва бу тарзда саноатнинг шаклланмагани боис Туркистонда маҳаллий ишчилар синфи ўрнини, бўшлиқни тўлдириш ният қилинганди. Улар қурилажак мустақил Туркистон ҳукуматининг тамал тоши бўлиши режалаштирилганди. Ер, сув ва бошқа манба ва мулклар давлатники бўлиши, аҳоли коллективлаштирилиши режалаштирилганди. Давлат диндан айри, республика бўлиши кўзда тутилганди. Қисқаси эркчи социалистларнинг қурилажак давлатида ишчилар синфи ўрнини қишлоқликлар тўлдирадди, шариатчи эмас, республикачи бир ҳукумат тузиларди, миллиятчи социалист тузум юзага чиқарди.

Тараққийпарварлар эса диний тарафга кўпроқ диққат қаратишмоқда эди. Бундан ташқари улар аҳолини синфларга ажратишга қарши эдилар. Ер ва сувнинг хусусий мулклигини қабул қилишганди. Бош мақсад диннинг ҳимоя қилиниши, бошқарувнинг фақат бир табақага оид бўлмаслиги, буржуазия тараққийнинг асосий қучига айланиши - бу давлат моделининг муҳим хусусиятларидан эди.

1921 йилнинг 29 декабрида ўтказилган икки ташкилотнинг умумий йиғинида 7 моддалик бир баённома қабул қилинади ва ташкилотлар бирлашиб, «Ўрта Осиё миллий авомий ихтилол жамиятларининг иттифоқи» дея ном берилиб, умумий ҳаракатлар бошлаб юборилади. [2]

Эрк фирқасининг бундан кейинги ташкилий йиғилиши 1921 йилнинг 7-10 январида Бухорода ўтказилади. Бу йиғилишда фирқа таркибига Бухоро Советлар





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Жумхуриятининг ҳарбий нозир Абдулҳамид Орипов ҳам киради. Айнан шу учрашувда фирқа «Туркистон социалистлари тўдаси», яъни «Туркистон социалистлари гуруҳи» деб номланади. 1921 йилнинг 15-18 апрель кунлари Бухорода гуруҳнинг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Айнан шу ерда бўлган учрашувларга Қозоғистон, Шарқий Туркистон ва водийдан вакиллар келади. Шу учрашувда олдинги Бокуда тузилган 27 бандлик дастур 9 бандга келтириб ихчамлаштирилади. 1926 йилда бўлган фирқа йиғилишда ташкилот «Туркистон социалистик Эрк партияси» деб номланади.

Афсуски, ҳозирча бу фирқа ташкилотчилари ва аъзолари ҳақида тўлароқ маълумот йўқ. Фақат юқорида кўрсатилганидек, А.З.Валидий, Жонузоқов, А.Ориповнинг номлари аниқ. Шунингдек, Туркистон социалистик «Эрк» фирқасининг ўша 9 бандлик дастури топилган. Дастурни А.З.Валидий 1926 йилда Прагада рус тилида чоп эттирди. Унда фирқанинг асосий вазифалари назарий жиҳатдан асосланган. Дастурнинг «Назарий қисмида Туркистонда ишчилар синфи» ўз синфий манфаатларини маҳаллий ва хорижий эксплуататорлардан ҳимоя қилиши», мустақил фирқага уюшган ҳолдагина амалга ошириши мумкинлиги кўрсатилган. Айни пайтда унинг меҳнаткаш деҳқонлар билан мустаҳкам иттифокда бўлиши ҳам алоҳида қайд қилинган.

Мазкур қисмда ҳар томонлама исботланган энг муҳим масалалар қаторида рус салтанатининг асл мақсадлари қуйидагилардан иборат эканлиги ҳам кўрсатилган эди. Бу руслаштириш, ўлкани туб рус ерига айлантириш, Россиядан кўчириб келтирилганлар сонини кўпайтириш, маҳаллий халқларни қириб ташлаш, завод ва фабрикаларнинг фақат руслар яшайдиган ерларда қурилиши, пахта ерли халқларни қул қилиш воситасига айлантирилганлиги, маҳаллий халқларнинг донга бўлган эҳтиёжини тўла-тўқис Россияга боғлаб қўйилганлиги, 1917-1918 йилларда Туркистонда 2 миллионча халқ очликдан қириб кетганлиги ва бошқалар шулар жумласидандир. Дастурнинг назарий қисмида яна Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Эрон, ва Хитой билан темир йўллар билан боғланган тақдирдагина Россия темир йўллари монополиясидан озод бўлиши, Туркистоннинг иқтисодий жиҳатдан юксалиши унинг сиёсий мустақиллиги билан боғлиқ эканлигига алоҳида урғу берилди. «Эрк» партияси РКП(б) МҚсининг маҳаллий мусулмон коммунистик фирқаларига қарши олиб борган сиёсатига жавобан ташкил этилди. Унинг дастури ҳам шунга асосланди. Дастурнинг мазмунидан маълумки, бу фирқа 1919 йил Ленин Москвада ташкил этган III Коммунистик интернационалга қарама-қарши 1923 йилда Гамбургда ташкил топган. Социалистик Ишчи Интернационалга эргашган ва унга аъзо бўлиб кирмоқчи бўлган. «Эрк» фирқасининг аъзолари жаҳидларнинг маълум бир гуруҳидан иборат бўлгани аниқ. Аммо уларнинг юқорида номлари келтирилган уч кишидан бошқаларининг исми-шарифлари ҳозирча аниқ эмас. «Эрк»нинг асосий мақсади социализм қуришдан иборат бўлган. Бу вазифани амалга оширишда ишчилар синфи етакчи куч бўлиши қайд этилади. Лекин унинг





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

дастурида биринчи навбатда миллий манфаат, урф-одат ва шарт-шароит ҳисобга олинганлиги диққатга сазовордир. Энг муҳими, унда Туркистоннинг ҳар томонлама: сиёсий, иқтисодий ва миллий мустақил бўлишига катта ўрин берилганлигидир. Туркистон социалистик «Эрк» фирқаси дастурида белгиланган асосий вазифалар ҳозир фақат тарихий эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам маълум қимматга эга. Уларнинг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодиёт масаласи. Ер, сув ва ўрмонлар, тоғ саноати, ер ости бойликлари ва темир йўллар миллийлаштирилиб, фақат Туркистон ҳукумати тасарруфида бўлади. Қишлоқ хўжалиги индустриллаштирилади. Рус аҳолисини Туркистонга кўчириб келтирилишига барҳам берилади, кооператсиянинг ҳамма турлари ривожлантирилади, давлат кредит банклари ташкил этилади; аста-секин замонавий шаҳарлар қурилади, эски шаҳарлар Овруповий тартибда қайта қурилади, шаҳарларда канализатсия, сув ўтказиш, алоқа ва ҳаракат воситалари (транспорт) тармоклари жорий қилинади. Шулар асосида шаҳарларнинг «эски» ва «янги» қисмларга бўлинишига барҳам берилади.

2. Ишчилар масаласи. Туркистонда ишчи ташкилоти ва кассаси, касаба уюшмаларини ташкил этиш; мактаб ва курсларда маҳаллий малакали ишчиларни тайёрлаш; ишчилар мамлакатни қулликка солувчи «ташкilotчилар» ва «инспекторлар»нинг ёрдамсиз Туркистонни ҳақиқий эгаси бўлиши керак.

3. партияси Туркистонни тўла мустақил бўлиши, халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлиши учун курашади.

4. Туркистоннинг давлат бошқарув тизими империалистларнинг ташқи аралашувидан озод бўлган ҳолда ташкил этилади. Бу парламент, яширин сайловларга асосланади.

5. Миллий армияни ташкил этиш, умум мажбурий ҳарбий хизматни жорий қилиш.

6. Миллий масала миллатларнинг катта ва кичиклигидан қатъи назар тўла тенглик асосида ҳал қилинади.

7. Халқ маорифининг барча имкониятларини аҳолининг моддий ва маънавий тараққиётига хизмат қилдириш, асрча маданият ўрнига янги демократик халқ маданиятини яратиш, текин меҳнат мактаблари ва бошланғич таълимни жорий қилиш, Туркистонликларни Оврупа маданияти, молия, ишлаб чиқариш ва техника билими, темир йўл, телеграф, телефон, трамвай, электр қурилишлари билан таништириш.

8. Диний масалада тўла виждон эркинлигига риоя қилиш, дин ҳар бир фуқаронинг ўз иши бўлиши. Ҳукумат дин Туркистоннинг миллий мустақиллик ва тараққиёт душманлари қўлида қурол бўлишига йўл қўймаслиги керак.

9. «Эрк» ишонадики, мустамлака меҳнаткашларининг капитализм ва империализмга қарши кураши фақат халқаро ҳамкорлик бўлганидагина ўз мақсадига эришади. Шунинг учун ҳам у қулликка маҳкум бўлган халқларнинг





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

курашини тўғри йўлга солувчи, ўзаро ҳамкорлигини таъминлай олувчи Социалистик Интернационалга киради. [3]

«Эрк» социал партиясининг аҳамияти шундан иборат эдики, унга нафақат Туркистон мусулмонлари балки, қозоқ, бошқирд ва Россияда туғилган аммо миллати рус бўлмаган мусулмонларнинг ҳам аъзо бўлганлигидадир. «Эрк» социал партияси унчалик ўрганилмагани бу уятли ҳол. Ўрганишларимиз давомида шуни аниқладикки, ҳатто япониялик олим Рюкосу Оне ҳам «Эрк» социал партияси ва Валидийнинг қўлғемалари ҳақида илмий ишлар қилган. У бевосита Европа ва Туркияда чоп этилган Валидийнинг асарлари билан танишган. Валидий томонидан пишитиб юрилган Эрк социал партиясининг ғоясига кўра бу партия бутун Шарқий Туркларни ўзига бирлаштириши керак эди. Бу ғояни Валидий бевосита қозоқ Аҳмад Байтурсун, Қозондаги ҳарбий кенгаш раҳбари Илёс Алкин ва туркистонлик Абдулҳамид Чўлпон билан ҳам маслаҳатлашган. Эркнинг илк мақсадларидан бири бирданига мустақил давлат бўлиб Россия социалистлари билан уришиш бўлмаган. Улар ақлли тарзда иш олиб боришган. Улар Россиянинг федерация бўлишини, унинг таркибида эса ўта мустақил ўз ҳарбий қўшинига эга социалистик давлатнинг вужудга келишини хоҳлашган. Аммо Ленин ва Сталин бу ҳаракатларга қарши чиққан.

1921 йил бўлиб ўтган йиғилишда аслида Алаш Ўрда қозоқлари, ёш бухороликлар, ёш хиваликлар, Эрк таркибида бўлмаган жадидлар ва баъзи босмачилар бирлашиб Туркистон Миллий Бирлиги ташкилотини тузишган эди. 9 та бандлик дастурда эса қуйидаги ғоялар баён қилинган:

- Ер, сув ва ер ости бойликларининг миллийлаштирилиши;
- Ерли ишчи жамоалари муассасаларини режалаштириш;
- Туркистон автономиясини ташкил қилиш;
- Демократик бошқарув;
- Миллий армия;
- Миллий ва озчилик масалалари бўйича ислохот;
- Русларнинг маданият соҳасидаги таъсиридан халос бўлиш;
- Дин ва сиёсатни ажратиш;
- Миллатнинг ҳуқуқи учун курашиш.

1921 йил августида Аҳмад Закий Валидий Тўғон ТМБ умумий кўмитаси раиси этиб сайланади. Босмачилар ва турклар билан алоқа қилиб ўз режаларини амалга оширишни бошлаган Валидий 1923 йилда Туркистонда русларнинг таъсири кучайиб кетгандан сўнг бир йиллик сафардан сўнг Берлинга етиб келади. 1924 йил Валидий Берлиндаги Жаҳон Сотсиалистлари Конгрессида иштирок этади ва болшевикларнинг аслида ким эканлигини, уларнинг империалистик ниятда эканлигини, қўл остидаги халқларни руслаштириш сиёсатини олиб бораётганлигини таъкидлайди. Ҳатто босмачиларнинг умумиллий халқ ҳаракати эканлигини ҳам айтади. Қизиқарлиси Валидий ушбу конгресс давомида Туркистон





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

ва унда ҳаракат қилган ТМБ ни тасвирлайди. Мусулмон социалистлари ва баъзи жаҳидларнинг қўрқоқлиги, қобилятсизлиги ва режалаштиришнинг йўқлиги туфайли ТМБ кетма-кет мағлубиятларга учрагани ҳақида маълумот беради. Докладда шунингдек қизил аскарларнинг аҳолини талаётгани, пахталаштириш сиёсати кириб келаётгани, тубжой аҳолининг чўлларга қувилаётгани ҳақида ҳам ахборот беради. Мана шу докладдан сўнг бутун Европа ишчиларида Туркистондаги воқеаларга қизиқиш ва қарашлар уйғонади. Валидий бу орқали Европа эътиборини Туркистонга қаратишга ҳаракат қилади.

Валидий 1925 йил январь ойида таникли марксист Карл Каутский билан учрашади. Аммо ушбу шахс Россиядаги ва Туркистондаги озчиликлар масаласида ахборотга эга эмас эди. Шунингдек Валидий бу шахсда ҳам мустамлакачиликка нисбатан ижобий қарашлар шаклланганини тушуниб етади.

Шундан кейин Валидий Қобул ва Машҳад шаҳарларидаги фирқа аъзоларига хат ёзади. Машҳаддаги танишларини Америкадан, Қобулдаги аъзоларни эса Англиядан ёрдам сўрашга ундайди. Кейинчалик Валидий британияликлардан ёрдам чиқмаслигини тушуниб етади. Ўша пайтда лейбористлар партиясидан Британия бош вазири бўлган Макдоналд Туркистон ҳудудида озод мусулмон давлати пайдо бўлишини истамайди. Чунки агар шундай бўлса ўз мустамлакаси бўлган Афғонистон ва Шимол-ғарбий Ҳиндистондаги мусулмонлар орасида ҳам шундай озодлик ҳаракатлари авж олиши мумкинлигини тахмин қилади.

1925 йилда Валидий Германиядан Туркияга келади. 1926 йилда Эрк партиясининг янгиланган назарияси ва дастури тузилади ва Прагада чоп этилади. Валидий қўплаб давлатларга тарқаб кетган Эрк партиyasi аъзолари билан алоқа қилиб туради. Россия коммунизмига ишонмаслигини ва Туркистон ва бошқа мустамлакалардаги аҳолини ҳимоя қилишини эълон қилади.

ЭПнинг дастурларида Туркистонга руслардан ташқари Хитой, Эрон, Британия Ҳиндистонидан ҳам темирйўллар келтириш кераклиги, миллий товарларни экспорт қилиш йўлаклари яратилиши зарурлиги, Туркистонда умумий маданият сиёсатини юриш зарурлиги ҳақида ҳам келтириб ўтилади. Валидий хорижда юрса ҳам Туркистонда яшириниб фаолият юритаётган Эрк партиyasi аъзоларига маълумотлар ва пул жўнатиб туради.

Бошқача қилиб айтганда Эрк партиyasi Туркистонда ҳам чет элда ҳам ҳеч қачон таслим бўлмаган ва ўз фаолиятини юритиб келган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. <https://e-history.kz/media/scorm/scorm/391/text/text.htm#%D0%B8>
2. Тафаккур. Тошкент. 2017. 116-бет. Аҳад Андижоний «Туркистон учун кураш»
3. Адолат. Тошкент. 1997. 110-111-бетлар. А.З.Валидий «Бўлинганни бўри ер» Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC
SOLUTIONS

4. Кенжабаев, Ш. А. (1998). История обучения иностранному языку в общеобразовательной школе южных областей Узбекистана (Сурхандарьинская и Кашкардарьинская области) и пути его совершенствования на современном этапе.
5. Abdulxalimovich, K. S. (2024). VETERINARIYA YO 'NALISHIDAGI TALABALARNING KASBIY KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHDA INGLIZ TILINI O 'QITISH TEXNOLOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISH. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 39(2), 77-81.
6. Abdulxalimovich, K. S. (2024). VETERINARIYA YO 'NALISHIDAGI TALABALARNING KASBIY KOMPITENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHDA INGLIZ TILINI O 'QITISHNING TEXNOLOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHNING ILMIY-NAZARIY PEDAGOGIK ASOSLARI. Journal of new century innovations, 46(3), 119-126.
7. Abdulkhalimovich, K. S. (2024). SCIENTIFIC-THEORETICAL PEDAGOGICAL FOUNDATIONS OF IMPROVING THE TECHNOLOGIES OF TEACHING ENGLISH IN THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCIES OF STUDENTS IN THE VETERINARY DIRECTION. Western European Journal of Modern Experiments and Scientific Methods, 2(2), 22-28.
8. Кенжабоев, Ш. А. (2023). ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ В ФОРМИРОВАНИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ СТУДЕНТОВ-ВЕТЕРИНАРОВ. Лучшие интеллектуальные исследования, 9(3), 103-113.
9. Кенжабоев, Ш. А. (2023). ОСОБЕННОСТИ ПРЕПОДАВАНИЯ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА В РАЗВИТИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ СТУДЕНТОВ-ВЕТЕРИНАРОВ. European Journal of Interdisciplinary Research and Development, 17, 177-183.
10. Nishonov, M., & Kenjaboev, S. (2023). THE SIGNIFICANCE OF THE USE OF CHEMICAL EXPERIMENTS IN THE STUDY OF THE TOPIC" PATTERNS OF CHEMICAL REACTIONS". Science and innovation, 2(B5), 53-56.
11. Kenjaboev, S. (2023). FEATURES OF TEACHING ENGLISH IN THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCIES OF VETERINARY STUDENTS. Science and innovation, 2(B7), 166-170.
12. Kenjaboev, S. (2023). THE PROBLEM AND SOLUTION OF USING ENGLISH LANGUAGE TEACHING TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCIES OF VETERINARY STUDENTS. Science and innovation, 2(B7), 159-165.

